

ТОПОНИМЛАР ВА ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА БАДИИЙЛИК БИЛАН ТАРИХИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Тўйчиева З., ГулДУ ўқитувчиси
Қодирова Д., ТДПУ доценти

Бадиий асарни муайян маконга нисбат бермай тасаввур этиш қийин. Ҳатто, лирик жанрнинг ҳам макони бор. Бу макон аниқ бирор ер билан боғланмаса-да, қалбдан чиққан сўзнинг манзили жуда бўлмаганда инсоннинг кўнглидир.

Бадиий проза эса ўзига хос бўлиб, унда воқеа – ҳодиса муайян манзил – макон билан албатта боғланади. Ҳатто воқеъбандлик (сюжет) асотирий маконда рўй бериши ҳам мумкин. Бироқ, энг муҳими, бадиий асарнинг мазмуни боғланган макон албатта бирор ном билан аталади. Бу макон номи “Чамбил бел”ми, “Аламазон”ми, “Авесто”даги “Хванирата”ми, Махмурнинг “Хапалак” қишлоғими, “Бухоронинг жин кўчалари”ми, Марғилон ёки Тошкентми – хулласки, жой номлари ҳар қандай бадиий асарнинг жон томири, унинг мазмуни, тутиб турувчи устуни, хавону синчларидир.

Бадиий асарда жой номларидан, уларнинг асар талабидан келиб чиқувчи тарихий ёки маҳаллий шаклларида усталик билан фойдаланиш ёзувчининг нафақат бадиий маҳоратидан, балки ўзи ёритаётган ҳаётий вазиятнинг бутун борлиғи, ички мазмунидан, унда иштирок этувчи унсурларнинг табиатидан чуқур хабардорлигидан далолатдир.

Асарда жой номларининг ифода салоҳияти ва бадиий имкониятларининг ёрқин намоишини Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси мисолида кўриш мумкин.

Асар воқеаларининг маконлари Тошкент шаҳри, унинг шимоли – ғарбий ва шимолий йўналишларидаги қишлоқларидан иборат. Қисса қаҳрамони Қоровой Эски шаҳарнинг ўрта асрларга хос тор, биқик маҳалларидан. У кўримсиз тор кўчалардан бирида жойлашган ғарибона ҳовлининг боласи. Ҳикоя қилинаётган замон оқ подшонинг истибдоди йиллари. Қашшоқлик, нажотсизлик. Ёшгина етим бола Қоровой ҳам ҳаёт ташвишларига қоришган. Уйдаги бир воқеа сабабли тириклик йўлида бирор иш топиб, онасига кўмаклашсам, дейди. Бироқ, унинг бу болавар, беғубор орзуси йўлида мингта тўсиқ, қатор адолатсизликлар. Шунга қарамай, Қоровой Омон исмли дўсти билан бирга ўз ниятидан қайтмайди. Икки боланинг бир бурда нон йўлидаги машаққатли саргузаштлари бўлиб ўтган жойлар асарга ўзига хос ранг, тароват бағишлайди.

Шу ўринда Ғафур Ғуломнинг Шум боласи аслида ким эди? – деган савол жуда ўринли бўлади. Негаки, айти ёзувчининг ўзи отадан ёш етим қолиб, “Шум бола”си босиб ўтган йўллари болалик йилларида кезиб улғайган эди. Чунки унинг отаси ҳаёт пайтида Кўктерак қишлоғида бир парча дала – ёзлик ерида деҳқончилик қилар, йиққан – терганини қишлоққа шаҳарга олиб кетиб бола – чақа боқар эди. Ёш Ғафур отаси билан бирга шум бола ўтган йўллар, кўрган қишлоқларининг барчасида бўлган эди. Шу маънода адабиётшунослар орасида “шум боланинг прототипи Ғафур Ғуломнинг ўзи, унинг болалиги” деган фикрлар ҳам маълум маънога эга. Қолаверса, шум бола шу қадар типик образ даражасига етганки, у ўз даврининг сон - саноксиз етим, етимчаларнинг умумлашма тимсолига айланган.

Қоровой (Шум бола) нинг саргузаштлари кечган жойлар, асар топонимикаси ўзига хос. Масалан: “Тош шаҳар” атамаси Тошкентнинг қадимги таърифларини эслатади: Абу Райҳон Беруний Тошкентнинг жойлашган ўрни ҳақида хабар бериб, унинг номини “Тош” сўзи билан боғлиқ таърифлайди. Маҳмуд Қошғарийнинг Тошкент шаҳрини “Тошканд” шаклида кўрсатиб, “Тошдан қурилган шаҳар” деб изоҳлайди.

Шум боланинг босиб ўтган йўллари Эски Жўва бозоридан бошланади. “Эски жўва” номининг биринчи жузъида “эски, кўҳна” маъноси бордек кўринади. Бу ҳам мақбул изоҳ. Лекин “эски” сўзида қадимги турк-суғд иккитиллиги доирасида “баландлик, тепа”даги бирор иншоот кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, эски сўзи олд қатор ўрта кенг талаффуздаги унлидан бошланган: эски “тепа, баланд, юқори”. Чиндан ҳам Тошкентнинг

Эски Жўва майдони ва унинг атрофидаги иншоотлар бозор майдонининг юқори қисмида бўлган.

“Эски жўва” нинг иккинчи жузъи жўва шаҳар ҳарбий аслаҳахонаси, “арсенал” маъносига эга.

Шум бола сарсонлигининг бошида бозор ва сўнгра Сағбон келади. Сағбон сўзини икки хил талқин қилиш одат тусига кирган: 1.Сағ- қисмини “кучук, ит” маъносига йўйилса, -бон қисми “парваришlash, кўриқlash” маъносида дейилади. Гўё Сағбон “ит боқувчилар” маҳалласи бўлган эмиш. Академик А.Муҳаммаджонов “Сағбон” атамасини арабча “сўқ” бозор сўзига боғлаб “Бозор кўриқчилари” маҳалласи деб тушунтиради. Асарда Сағбондан кейин Аччи обод (Ачавот) топоними келади. Бу маҳалла Тошкент шаҳрининг ўрта сарлар деворидаги Сағбон дарвозаси яқинида жойлашган, аксарият аҳолиси лўлилардан иборат бўлиб, ҳозирга қадар мавжуд. Бироқ, Ғафур Ғулом Аччи обод деб таъкидлаган ҳолда оддий маҳаллани “Шаҳри азм” деб Қоровой (Шум бола)нинг тасавури орқали юмористик усулда муболағалаштиради.

Шум бола юра – юра Кўктеракка етади. Кўктерак қишлоғининг жойлашган ўрни ҳозирги Ўзбекистон темир йўллариининг Келес бекати яқинида 20 – аср бошларида қозок чўллари билан Тошкентни боғлаб турувчи йирик чорва бозорларидан бири Кўктеракда бўлган. Бу бозор бугунги кунгача ички бозор сифатида ўзининг аҳамиятини йўқотмаган.

Кўктеракдан кейин Шум боланинг йўли Тепагузарга томон давом этади. Асарда тафсилот берилмаган. Лекин мазмундан тушуниш мумкинки, Кўктеракдан Тепагузарга йўл Зоғарик (Зол ариқ) бўйлаб кетган бўлиши керак. Ҳозирги Тошкент – Сароғоч йўли Келес дарёсига қурилган кўприк орқали кейинроқ қурилган. Шундай қилиб, Кўктерак билан Тепагузар орасида Шум бола уч соат йўл юради. Чиндан ҳам масофа ҳозирги ўлчовда 10-12 километр чамаси бўлиб, боланинг қадами билан уч соатлик йўл деб таърифланиши айнан ҳақиқатни ифодалаган.

Дарвоқе, йўлни Кўктеракдан Тепагузарга буришда ёзувчининг аниқ мақсади ҳал бўлган. Чунки асар воқеаларининг давоми Қоплонбек қишлоғида бўлган. Қоплонбек эса Чувалачи гузаридан кейин 4 чақиримда жойлашган Тепагузар қишлоғидан яна 4 чақирим масофада жойлашган. Ёзувчи бу қишлоқларни таърифлар экан, юқорида айтилганидек аниқ тасаввурлардан келиб чиққан. Зеро, ёзувчи болалик йилларида ўзи кўрган жойларнинг аниқ хотирасини асарга жонли ва ҳаётий лавҳалар орқали олиб кирган.

“Чувалачи” топонимининг маъноси этнотопонимлар қаторидан бўлиб, ўзбек уруғларидан бирининг номи сифатида изоҳланади. Лекин бу сўзнинг луғавий маъносини “чуваламоқ” феълидан деб тушуниш ҳам мумкин. Чувалаш хўжаликка хос сўз: беда ўрилгач, чала қуриган ҳолда боғлам учун тўп – тўп қилиш демакдир.

Чувалаб боғланган беда Тошкент бозорига келтириб сотилар эди. Бу хўжалик усулини ўзига касб қилган деҳқонларнинг ихтисослик “чувалачи” деб аталган. Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Чувалачи маҳалласи мазкур гузар деҳқонларининг шаҳардаги маҳалласи бўлган. Чунки Чувалачиликлар ўз далаларига баҳорда чиқиб, кузда шаҳарга қайтганлар.

Қоплонбек, Сароғоч, Қуруқалас каби топонимлар – асарда Шум бола саргузаштларининг манзилларидир.

Қоплонбек – шахс шахс номи билан аталган қишлоқ ва деҳқончилик мавзеси номи. Бу исм хатто тарихийлаштирилиб, шўролар даврида ишланган фильмлардан биридаги салбий персонажлардан бири сифатида кўрсатилган.

Сароғоч топоними ҳозирги Жанубий Қозоғистон туманларидан бирининг маъмурий марказидир. “Шум бола”да бу манзилда бўлган бозор таърифи жуда жонли кўрсатилган. Топоним икки ўзакдан ясалган сари – “сарик”, оғоч “дарахт ” демакдир. Тарихан Сароғоч Ғишткўприк – Қоплонбек – Қуруқалас йўналишидаги карвон йўлининг бозор манзилларидан бири бўлган.